



ЎЗБЕКИСТОНДА КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Умарова Зумрад

Тошкент Кимё халқаро университети

ORCID: 0000-0003-3068-5779

zumrad.umarova.n@gmail.com

Аннотация. Мақолада консолидациялашган молиявий ҳисоботларни (кейинги ўринларда – КМХ) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда – МҲХС) талаблари асосида тайёрлаш жараёнида учрайдиган муаммолар институционал, методик ва ташкилий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда КМХ, алоҳида корхоналар ҳисоботини моддама-модда жамлаш амалиётидан кўра кенгроқ тизим сифатида талқин қилиниб, гуруҳ даражасидаги иқтисодий муносабатлар, консолидациялашган корхоналар устидан назоратни амалга ошириш механизми, консолидациялаш учун зарур ахборот тизими ва интеграциялашган ҳисоб сиёсатини ташкил этиш масалалари ўрганилди. Мақолада Ўзбекистон шароитида консолидациялаш жараёнида учрайдиган асосий амалий муаммолар, яъни назоратни баҳолашдаги формал ёндошувлар, ягона гуруҳ ҳисоб сиёсатини қўллаш ва гуруҳ ичидаги операцияларни ўзаро бартараф этиш (элиминация) билан боғлиқ муаммолар, саёз маълумотлар базаси ва кадрлар салоҳиятининг етарли эмаслиги каби омиллар ўрганиб чиқилган. Мазкур муаммолар бешта асосий гуруҳ (меъёрий-институционал, ташкилий-бошқарув, методик, техник ва кадрлар)га ажратилди, ва уларнинг таҳлили натижасида муаллиф томонидан диагностика модели таклиф этилди. Шунингдек, консолидациялаш периметрини аниқлаш, гуруҳ ҳисоб сиёсатини стандартлаштириш, маълумотлар базасини модернизация қилиш ва инсон капитали салоҳиятини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлашни такомиллаштириш, корпоратив бошқарув шаффофлигини ошириш ва ҳисобот тузувчи корпоратив гуруҳларни халқаро молиявий бозоргага интеграциялашув жараёнини чуқурлашишига хизмат қилади.

Калит сўзлар: консолидациялашган молиявий ҳисобот, МҲХС, МҲХС (IFRS) 10, корпоратив гуруҳ, назорат модели, гуруҳ ҳисоб сиёсати, ўзаро бартараф этиш (элиминация), ахборот базаси, консолидациялаш периметри, профессионал мушоҳада.

ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ СОСТАВЛЕНИЯ КОНСОЛИДИРОВАННОЙ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЁТНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Умарова Зумрад

Ташкентский международный университет Кимё

Аннотация. В статье проведён институциональный, методический и организационный анализ проблем, возникающих в процессе подготовки консолидированной финансовой отчётности (далее – КФО) в соответствии с требованиями Международных стандартов финансовой отчётности (далее – МСФО). В исследовании КФО рассматривается не только как практика постатейного суммирования отчётности отдельных предприятий, но и как более широкая система, включающая экономические отношения на уровне группы, механизм осуществления контроля над консолидируемыми предприятиями, организацию информационной системы, необходимой для консолидации, а также формирование интегрированной учётной политики группы.

В статье изучены основные практические проблемы, возникающие в процессе консолидации в условиях Узбекистана, в частности: формальный подход к оценке контроля, проблемы применения единой учётной политики группы и устранения внутригрупповых операций (элиминации), недостаточная развитость информационной базы и нехватка квалифицированных кадров. Указанные проблемы были разделены на пять основных групп (нормативно-институциональные, организационно-управленческие, методические, технические и кадровые), а по результатам их анализа автором предложена диагностическая модель. Кроме того, разработаны практические рекомендации по определению периметра консолидации, стандартизации учётной политики группы, модернизации информационной базы и повышению потенциала человеческого капитала. Результаты исследования способствуют совершенствованию подготовки консолидированной финансовой отчётности в Узбекистане, повышению прозрачности корпоративного управления и углублению интеграции корпоративных групп, составляющих отчётность, в международный финансовый рынок.

Ключевые слова: консолидированная финансовая отчётность, МСФО, МСФО (IFRS) 10, корпоративная группа, модель контроля, учётная политика группы, устранение внутригрупповых операций (элиминация), информационная база, периметр консолидации, профессиональное суждение.

PROBLEMS AND SOLUTIONS OF PREPARING CONSOLIDATED FINANCIAL STATEMENTS IN UZBEKISTAN

Umarova Zumrad

Kimyo International University in Tashkent

Abstract. *The article analyzes the institutional, methodological, and organizational problems arising in the process of preparing consolidated financial statements (hereinafter – CFS) in accordance with the requirements of the International Financial Reporting Standards (hereinafter – IFRS). In the study, CFS is interpreted not merely as the practice of aggregating the financial statements of individual enterprises line by line, but as a broader system encompassing economic relations at the group level, mechanisms for exercising control over consolidated entities, the organization of information systems necessary for consolidation, and the establishment of an integrated group accounting policy. The article examines the main practical problems encountered in the consolidation process under the conditions of Uzbekistan, including formal approaches to the assessment of control, issues related to the application of a unified group accounting policy and the elimination of intra-group transactions, as well as insufficiently developed information databases and inadequate professional capacity of personnel. These problems are classified into five main groups (regulatory-institutional, organizational-managerial, methodological, technical, and human resource related), and based on their analysis, the author proposes a diagnostic model. Furthermore, practical recommendations have been developed regarding the determination of the consolidation perimeter, standardization of group accounting policies, modernization of information systems, and enhancement of human capital capacity. The results of the research contribute to improving the preparation of consolidated financial statements in Uzbekistan, increasing the transparency of corporate governance, and deepening the integration of reporting corporate groups into the international financial market.*

Keywords: consolidated financial statements, IFRS, IFRS 10, corporate group, control model, group accounting policy, elimination of intra-group transactions, information database, consolidation perimeter, professional judgment.

Кириш.

Сўнгги йилларда дунё миқёсида капитал бозорларининг интеграциялашуви, трансмиллий инвестициялар ҳажмининг ўсиши ва корпоратив бошқарув стандартларининг ривожланиши кузатилмоқда. Иқтисодиётимизда ҳам корпоратив гуруҳлар сони ва улар фаолият кўламининг сезиларли даражада кенгайиши¹ глобал даражадаги тенденцияни акс эттирмоқда². Ушбу шароитида консолидациялашган молиявий ҳисоботлар, гуруҳ корхоналарини ягона иқтисодий субъект сифатида ифодалаб, уларнинг молиявий ҳолати, фаолият натижалари ва пул оқимларини яхлит тарзда холис баҳолаш учун алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур ҳисоботлар воситасида инвесторлар, кредиторлар ва бошқа манфаатдор томонлар гуруҳнинг активлари, мажбуриятлари, молиявий натижалари ва рискларини комплекс баҳолаш имкониятига эга бўладилар.

Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам сўнгги йилларда давлат иштирокидаги компанияларни трансформация қилиш, хусусийлаштириш жараёнлари, холдинг тузилмаларини ташкил этиш ва халқаро инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига корпоратив гуруҳлар сонининг ортиб бориши, гуруҳ даражасидаги молиявий ҳисоботга бўлган талабни кучайтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (Қарор, 2020) ва 2025 йил 15 сентябрдаги ПҚ-282-сонли “Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (Қарор, 2025) қарорлари, мамлакатда МҲХСга ўтиш жараёнининг жадаллашишига ва кўламининг кенгайишига туртки бўлди. Бу эса консолидациялашган молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар талабларига мувофиқ тайёрлаш масаласини долзарб илмий-амалий вазифага айлантирди.

Бироқ КМҲни тузиш амалиётини ўрганиш жараёни қатор институционал, методик ва ташкилий муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Ушбу муаммолар ҳисобот сифатига, унинг шаффофлигига ва халқаро инвесторлар учун тақдим этиладиган ахборотнинг аҳамиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан мазкур мақоланинг мақсади Ўзбекистонда консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузиш жараёнидаги асосий муаммоларни таҳлил қилиш ва уларни ҳал этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Адабиётлар шарҳи.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар бухгалтерия ҳисоби назарияси ва амалиётида муҳим тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади. Илмий адабиётларда гуруҳ ҳисоботининг мақсади, консолидация периметрини аниқлаш, назорат мезонлари ва гудвиллни ҳисобга олиш каби масалалар кенг ўрганилган.

Хорижий тадқиқотчилар (Childs, 1949; Walker, 1978; Mack, 1998; Grossi, 2009 ва бошқалар) консолидациялашган ҳисобот корпоратив гуруҳлар фаолиятини яхлит иқтисодий бирлик сифатида акс эттиришга хизмат қилишини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрига кўра, алоҳида компаниянинг, жумладан бош корхонанинг молиявий ҳисоботи гуруҳнинг ҳақиқий молиявий ҳолатини тўлиқ акс эттира олмайди.

Heald (2000), Robb ва Newberry (2007) каби олимлар консолидациялаш периметрини аниқлаш ва “ҳисобот субъекти” тушунчасини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратганлар.

¹ The number of enterprises with foreign capital in Uzbekistan has reached 17.9 thousand. https://stat.uz/en/press-center/news-of-committee/65716-zbekistonda-chet-el-kapitali-ishtirokidagi-korkhonalar-soni-17-9-mingtaga-etdi-4?utm_source

² World Investment Report. https://unctad.org/topic/investment/world-investment-report?utm_source

Консолидация назарияси доирасида мулкдорлик назарияси, бош корхона назарияси ва субъект назарияси ажратиб кўрсатилиб (Kam, 1990; Riahi-Belkaoui, 2004; Schroeder, 2009) замонавий халқаро стандартлар тизимида бош корхона назарияси ва назорат тамойили устувор ҳисобланади.

МҲХС (IFRS) 10 стандартига мувофиқ консолидациялашган корхоналар устидан назорат, инвесторнинг инвестиция объекти устидан ваколатга эгаллиги, ўзгарувчан даромадларга дучор бўлиши ва ушбу ваколат орқали даромадларга таъсир кўрсата олиш қобилияти орқали аниқланади.

Ўзбекистонда ҳам консолидациялашган молиявий ҳисоботлар бўйича маълум даражада тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Насретдинов ва Хасановнинг (2003) илмий ишларида консолидациялашган ҳисоботнинг услубий асослари ёритилган. Хўжабеков (2009) тадқиқотларида бизнесни бирлаштириш жараёнида консолидациялашган ҳисоботни такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Н.К. Ризаев (2018; 2021), Джуманов (2019), Авазов (2025), Хасанова (2024) ва Сафаров (2025) каби муаллифлар тадқиқот ишларида маълумотларни МҲХСга мувофиқлаштириш, номоддий активлар, ҳисобот ахборотининг ишончилиги ва таҳлили масалалари кўтарилган.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки Ўзбекистон шароитида консолидациялаш жараёнида юзага келадиган институционал ва методик муаммоларни комплекс таҳлил қилишга эҳтиёж сақланиб қолмоқда.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқотда консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш жараёнини таҳлил қилишда қуйидаги илмий усуллардан фойдаланилди:

- таққослама таҳлил
- тизимли -таркибий ёндашув
- мантиқий таҳлил
- индукция ва дедукция
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили
- халқаро ва миллий амалиётни қиёсий таҳлил қилиш

Тадқиқотнинг назарий асосини МҲХС (IFRS) 10 “Консолидациялашган молиявий ҳисобот”, МҲХС (IFRS) 12 “Бошқа субъектлардаги манфаатлар тўғрисидаги изоҳлар”, МҲХС (IFRS) 3 “Бизнес бирлашиши”, МҲХС (IAS) 21 “Хорижий валюта курслари ўзгаришининг таъсири” ва бошқа халқаро стандартлар ташкил этди.

Тадқиқот ишида консолидациялаш жараёнини институционал муҳит, ҳисоб сиёсати ва ахборот тизими нуқтаи назаридан комплекс таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон амалиётида консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш жараёнида учрайдиган муаммоларни тизимли таҳлил қилиш уларни бешта асосий гуруҳга гуруҳлаш имконини беради.

Биринчи гуруҳ, консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлашга таъсир этувчи ҳуқуқий ва регулятив муҳит билан боғлиқ омилларни қамраб олади. Амалиётда МҲХС талаблари билан бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва солиқ ҳисоботи талаблари ўртасида муайян фарқлар мавжуд бўлиб, макзур ҳолат корхоналарда икки хил ҳисобот тизимининг шаклланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш билан боғлиқ қўшимча сарф харажатларга сабаб бўлади.

Иккинчи гуруҳни ташкилий-бошқарув тизимидаги муаммолар ташкил этади. Мазкур муаммолар консолидациялаш жараёнининг гуруҳ даражасидаги корпоратив

бошқарув сифати билан узвий боғлиқлиги сабабли юзага келади. Хусусан, корпоратив бошқарув қарорларини хужжатлаштириш амалиёти етарлича ривожланмаган шароитда консолидация мақсадида назоратни баҳолаш ҳамда консолидация периметрини белгилаш анча мураккаблашади.

Учинчи гуруҳ, консолидациялаш жараёнидаги ҳисоб сиёсати ва профессионал мушоҳада билан боғлиқ масалаларни қамраб олади. Тадқиқот жараёнидаги ўрганишларимизда, амалиётда назоратни баҳолашда улушли қатнашишга ортиқча таяниш кузатилмоқда, ҳолбуки МҲХС (IFRS) 10 назоратни комплекс мезонлар асосида баҳолашни талаб қилади.

КМҲни тузиш жараёни замонавий ахборот технологиялари билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли, техник муаммолар тўртинчи гуруҳни ташкил этади. Консолидациялаш учун маълумотлар базасининг етарли даражада ривожланмагани ва шкклантирилмаганлиги, Excel дастурига ортиқча боғлиқлик консолидация жараёнини меҳнатталаб ва хатолик хавфи юқори бўлган жараёнга айлантормоқда.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот сифати кўп жиҳатдан инсон капитали салоҳияти билан белгиланади. МҲХС бўйича юқори малакали мутахассислар етишмаслиги амалиётда консолидация жараёнига доир методик хатоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, бешинчи гуруҳни кадрлар билан боғлиқ муаммолар ташкил этади.

КМҲ муаммоларининг эмпирик таҳлили (Ўзбекнефтгаз мисолида)

Ўзбекистонда консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш жараёнида учрайдиган амалий муаммоларни аниқлаш мақсадида тадқиқот доирасида 10 дан ортиқ корхоналарнинг, жумладан нефтгаз, энергетика, банк ва транспорт соҳаларида фаолият юритувчи корпоратив гуруҳларнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботлари таҳлил қилинди³.

Хусусан, таҳлил объекти сифатида нефтгаз соҳасидаги йирик давлат иштирокидаги корпоратив гуруҳ - “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2024 йил учун тайёрланган консолидациялашган молиявий ҳисоботи танлаб олинди⁴. Мазкур КМҲ халқаро аудит ташкилоти (KPMG) томонидан текширилган бўлиб, гуруҳ даражасида молиявий ахборотни шакллантириш амалиётини ишончли ва комплекс баҳолаш имконини беради.

АЖ “Ўзбекнефтгаз”нинг 2024 йил учун тайёрланган консолидациялашган молиявий ҳисоботининг таҳлили, ҳамда ушбу ҳисоботни тузувчилар билан ўтказилган интервьюлар консолидациялаш жараёнида юзага келадиган муаммолар нафақат техник, балки методик ва институционал хусусиятга эга эканлигини кўрсатди. Жумладан, Таҳлил қилинган ҳисоботда гуруҳ таркибига кирувчи кўп сонли шўъба ва қўшма корхоналар мавжуд бўлиб, бу консолидация периметрини аниқлашда мураккабликларни келтириб чиқариши аниқланди. МҲХС (IFRS) 10 талабларига мувофиқ назоратни аниқлашда нафақат улуш миқдори, балки реал таъсир даражаси, қарор қабул қилиш ҳуқуқи ва ўзгарувчан даромадларга таъсир қилиш имконияти ҳам ҳисобга олинади. Бундай шароитда назоратни баҳолаш кўп ҳолларда профессионал мушоҳадага боғлиқ бўлиб, бу эса ҳисоботда субъективлик рискни оширади.

³ https://openinfo.uz/media/int_report/7fb22e2e-1542-4fb3-a773-9d9111b29e56.pdf
https://acfp.uz/ru/news/nacionalnyy_bank_ved_uzbekistana_opublikoval_msfo_otchetnost_za_2024_god
https://buxgalter.uz/publish/doc/text208532_acfp_zapuskaet_ekspertnye_obzory_msfo_otchetnosti_kompaniy_uzbekistana
https://corp.uzairways.com/sites/default/files/inline-files/cfs/cfs_ru_24.pdf
<https://utk.uz/files/page/ifrs-reports/cbc20c9d481a5b79760bb0bc6d6fe903.pdf>
<https://ofb.uz/upload/documents/2022%20yil%20MXXS%20Hisobot.pdf>
<https://www.uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/6724>

⁴ <https://webdev.ung.uz/media/allfiles/files/dabe8e4649ed4e6ca3b0f2471e470be4.pdf>

КМХни тузиш билан боғлиқ яна бир эмпирик муаммолардан бири бўлиб профессионал мушоҳада ва баҳолаш масалалари ҳисобланади. КМХ изоҳларида муҳим баҳолашлар ва тахминлар (“significant judgements and estimates”) мавжудлиги қайд этилган бўлиб, бу эса ўз навбатида айниқса қуйидаги соҳаларда намоён бўлади:

- активларнинг ҳаққоний қийматини аниқлаш
- гудвилл ва номоддий активларни баҳолаш
- шубҳали қарзлар бўйича захираларни яратиш.

Мазкур ҳолат ҳам консолидация жараёнида ҳисобот натижаларининг маълум даражада субъективлигини белгилаб беради.

Тадқиқотимизнинг навбатдаги предмети гуруҳ ичи операцияларни ўзаро бартараф этиш муаммолари ҳисобланади. Эмпирик таҳлил шуни кўрсатадики, йирик корпоратив гуруҳларда шўба корхоналар ўртасидаги операциялар ҳажми катта бўлиб, уларни тўлиқ ва тўғри бартараф этиш қилиш анчайин методик ва техник муаммоларни келтириб чиқаради.

Хусусан, гуруҳ ичида амалга оширилган қуйидаги операциялар, яъни:

- савдо операциялари
- дивидендлар
- қарз ва фоизлар
- амалга ошмаган фойда

каби операцияларни тўғри ўзаро бартараф этиш учун юқори даражада автоматлаштирилган тизимлар талаб этилади.

Таҳлил қилинган ҳисоботда кенг қамровли изоҳлар ва молиявий маълумотлар келтирилган бўлиб, бу эмпирик таҳлил жараёнида аниқланган яна бир муаммо, консолидациялаш жараёнида ахборот оқимларини бошқариш муаммосини келтириб чиқаради.

Макзур муаммолар:

• консолидациялаш учун зарур маълумотларни йиғиш ва текширишни мураккаблашувиغا

- ҳисоботни тайёрлаш муддатини узайишига, ҳамда
- хатолик хавфини ошишига олиб келади.

Ҳисоботни таҳлил қилиш жараёнида молиявий рисклар ва уларнинг консолидациялашган гуруҳ даражасида тўғри ёритилиши билан боғлиқ жиҳатлар ҳам ўрганилди. Таҳлил натижаларига кўра, гуруҳ даражасида мажбуриятлар ҳажмининг юқорилиги молиявий барқарорликка жиддий таъсир кўрсатади. Мазкур ҳолат консолидациялашган молиявий ҳисоботда рискларни тўлиқ ёритиш ва уларни самарали бошқариш масалаларининг алоҳида аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Эътиборга молик яна бир жиҳатга шундан иборатки, аудиторлик хулосасида айрим операциялар, жумладан, назорат қилинмайдиган улушлар билан боғлиқ операциялар муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилган. Бу эса консолидация жараёнидаги баҳолаш ва таснифлаш муаммоларининг мавжудлигини тасдиқлайди. Эмпирик таҳлил жараёнида аниқланган муаммолар, уларнинг амалиётдаги кўринишлари, келиб чиқиш сабаблари, КМХга таъсири ва уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар қуйидаги умумлаштирилган муаллифлик жадвалида тизимлаштирилган.

Ўтказилган эмпирик таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон шароитида консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш жараёнида учрайдиган муаммолар алоҳида ҳолатлар эмас, балки ўзаро боғлиқ ва тизимли характерга эга бўлган омиллар мажмуасидан иборат. Хусусан, ушбу муаммолар назоратни баҳолашдаги камчиликлар, профессионал мушоҳадага юқори даражада боғлиқлик, маълумотлар базасининг етарли даражада ривожланмаганлиги ҳамда гуруҳ ичидаги операцияларни бартараф этиш (элиминация) жараёнларидаги номуаносибликлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

1-жадвал

Ўзбекнефтгаз АЖ мисолида консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш муаммоларининг таҳлили

Муаммо	Амалиётдаги кўриниши	Илдиз сабаб	Ҳисоботга таъсири (риск)	Таклиф этилаётган ечим
Назоратни нотўғри баҳолаш	50%дан кам улушларда назорат инobatга олинмайди, де-факто назорат эътибордан четда қолади	МҲХС (IFRS) 10 бўйича билим ва малака етишмаслиги, профессионал мушоҳадалар (judgement) заифлиги	Консолидация периметри нотўғри шаклланади, актив ва мажбуриятлар тўлиқ акс этмайди	Назоратни баҳолаш матрицаси (ваколат-даромадлар-боғлиқлик)ни жорий этиш, ички услубий ҳужжат ишлаб чиқиш
Ички операцияларни ўзаро бартараф этиш муаммоси	Гуруҳ ичидаги операциялар (савдо, қарз, дивиденд, фоиз) тўлиқ бартараф этилмайди	Маълумотлар тизимининг интеграцияси ва гуруҳ ичидаги операциялар бўйича қолдиқларни солиштириш даражаси паст	Даромад ва фойда сунъий равишда ошади, ҳисобот ишончлилиги пасаяди	Автоматлаштирилган консолидациялаш модули ва гуруҳ ичидаги ҳисоб-китобларни мувофиқлаштиришни стандартлаштириш
Excelга боғлиқлик	Қўлбола файллар, версиялар назорати мавжуд эмас	ERP тизимлари ва консолидациялаш механизми мавжуд эмас	Хатолар хавфи юқори, маълумотларни сақлашнинг аудит изи мавжуд эмас, қайта ишлаш мураккаб	ERP тизимлари интеграцияси ва ягона ишончли маълумот базасини жорий этиш
Ҳисоб сиёсатларидаги фарқ	Амортизация ва баҳолаш усуллари турлича	Консолидациялашга оид ягона ҳисоб сиёсатини мужассамлаштирган Йўриқнома мавжуд эмас	Кўрсаткичлар таққосланувчан эмас, консолидациялашда қайта ҳисоблаш талаб этилади	Гуруҳ ҳисоб сиёсатини мужассамлаштирган Йўриқнома ва ягона счетлар режасини жорий этиш
Кадрлар етишмаслиги	МҲХС бўйича мутахассислар сони чекланган	Таълим ва амалий тажриба ўртасида узилиш мавжуд	Ҳисобот сифати пасаяди, хатолар кўпайади	МҲХС бўйича доимий малака ошириш тизимини жорий этиш
Профессионал мушоҳадага юқори боғлиқлик	Муҳим қарорлар субъектив баҳоланади	Аниқ методик йўриқномалар мавжуд эмас	Ҳисоботда субъективлик ва ўзгарувчанлик ошади	Стандарт операцион тартиблар ва текширув рўйхатларини ишлаб чиқиш
Ахборот ҳажми ва мураккаблиги	Изоҳлар катта ҳажмда, маълумотлар тарқоқ ҳолда	Маълумотлар базаси тизимлашмаган	Фойдаланувчилар учун тушуниш қийин, таҳлил самарадорлиги паст	Маълумотларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва ҳисобот тузилмасини оптималлаштириш
Валюта ва конверсия муаммоси	Валюта курслари таъсири юқори	МҲХС (IAS) 21 талабларини амалда қўллаш мураккаб	Молиявий натижаларда юқори ўзгарувчанлик юзага келади	Валюта сиёсати ва автоматик қайта ҳисоблаш механизмларини жорий этиш
Гудвилл ва назорат қилинмайдиган улушни баҳолаш муаммоси	Бизнес бирлашишида баҳолаш жараёни мураккаб	Ҳаққоний қийматни баҳолаш усуллари етарли даражада қўлланилмайди	Активлар ва капитал тузилмаси нотўғри акс этиши мумкин	Мустақил баҳоловчиларни жалб қилиш ва баҳолаш моделларини жорий этиш

Мазкур ҳолат консолидациялаш жараёнини такомиллаштиришда фақат методик ёндашувлар билан чекланиб қолмасдан, балки ташкилий-бошқарув ва рақамли-технологик ечимларни комплекс равишда жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш амалиётида институционал, методик ва ташкилий характердаги қатор муаммолар мавжудлигини тасдиқлади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мазкур муаммоларни алоҳида техник хатолар сифатида эмас, балки яхлит институционал тизимнинг етарли даражада шаклланмаганлиги натижаси сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, консолидациялаш жараёнини такомиллаштириш бўйича қуйидаги амалий тавсияларни илгари суриш мумкин:

- гуруҳ даражасида ягона ҳисоб сиёсати ва консолидация қоидаларини стандартлаштириш;
- назоратни баҳолаш бўйича аниқ ички методик йўриқномалар ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- маълумотлар архитектурасини модернизация қилиш ва ягона ахборот муҳитини шакллантириш;
- гуруҳ ичидаги операцияларни тизимли мониторинг қилиш ва автоматлаштирилган ўзаро бартараф этиш (элиминация) механизмларини жорий этиш;
- МҲХС бўйича мутахассисларнинг профессионал салоҳиятини ошириш ва доимий малака ошириш тизимини ривожлантириш.

Юқорида таклиф этилган чора-тадбирларни қўллаш консолидациялашган молиявий ҳисоботлар сифатини ошириш, ахборотнинг ишончлилиги ва таққосланувчанлигини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг халқаро молиявий муҳитга интеграциялашувини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Avazov I. (2025) *Konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobot ma'lumotlarini tahlil qilish masalalari // Muhandislik va iqtisodiyot. – Toshkent, noyabr. - № 11. – Б.358-362. (https://muhandislik-iqtisodiyot.uz/index.php/journal/article/view/1351?utm_source).*

Childs, W.H. (1949) *Consolidated Financial Statements: Principles and Procedures. - Ithaca, NY: Cornell University Press, - 367 p.*

Grossi, G. (2009) *New development: Consolidated financial reporting as a stimulus for change in Italian local government // Public Money & Management. - Vol. 29. - № 4. - P. 261–264. – DOI.*

Heald, D.; Georgiou, G. (2000) *Consolidation principles and practices for the UK government sector // Accounting and Business Research. - Vol. 30. - № 2. - P. 153–167. - DOI: 10.1080/00014788.2000.9728932.*

Kam, V. (1990) *Accounting Theory. - 2-нашр. - New York: John Wiley & Sons, - 608 б. - ISBN 978-0-471-50704-8.*

Riahi-Belkaoui, A. (2004) *Accounting Theory. - London: Thomson, - 598 б. - ISBN 978-1-84480-029-2.*

Robb, A.; Newberry, S. (2007) *Globalization: governmental accounting and International Financial Reporting Standards // Socio-Economic Review. - Vol. 5. - № 4. - P. 725–754. - DOI: 10.1093/ser/mwm017.*

Safarov S. (2025) *“Konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotni tuzishning chet mamlakatlar tajribasi va undan mamlakatimiz iqtisodiyotida joriy etish istiqbollari”. Modern Science and Research, vol. 4, no. 4, Apr. pp. 914-9, https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/79924.*

Schroeder, R.G.; Clark, M.W.; Cathey, J.M. (2009) *Financial Accounting Theory and Analysis: Text and Cases*. - 9-нашр. - Hoboken, NJ: John Wiley & Sons, - 630 б. - ISBN 978-0-47012-881-7.

Walker, R.G. (1978) *International Accounting Compromises: The Case of Consolidation Accounting* // *Abacus*. - Vol. 14. - № 2. - P. 97-111. - DOI: 10.1111/j.1467-6281.1978.tb00060.x.

Walker, R.G.; Mack, J. (1998) *The Influence of Regulation on the Publication of Consolidated Statements* // *Abacus*. - Vol. 34. - № 1. - P. 48-74. - DOI: 10.1111/1467-6281.00022.

Джуманов С.А. (2019) *Молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция қилиш: иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати*. – Тошкент, – Б. 11-24.

Қарор (2020) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарори*.

Қарор (2025) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 сентябрдаги «Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-282-сонли қарори*.

Насретдинов С.С., Хасанов Б.А. (2003) *Консолидациялаштирилган (умумлаштирилган) бухгалтерия ҳисоботи // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси*. – Тошкент, -№10. – Б.14-16.

Ризаев Н. К.; Темирханова М. Ж.; Лу Ш. (2021) *Improving the Intangible Assets Accounting: In a Pandemic Period* // *Annals of the Romanian Society for Cell Biology (Annals of R.S.C.B.)*. – Vol. 25. – Issue 2. – P. 573–590. – [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://annalsofrscb.ro/index.php/journal/article/download/985/830/1851> (дата обращения: 24.01.2026).

Ризаев Н.К. (2018) *Интеллектуал мулк объектлари ҳисоби ва таҳлилини ташкил этиш методологияси: фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати*. – Тошкент, – Б. 5-14.

Хасанова Х. (2024). *Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида инвестициялар ҳисобини ташкил этиш. Академические исследования в современной науке*, 3(50), Б. 168–171. (<https://inlibrary.uz/index.php/arims/article/view/62006>).

Хўжабеков Н.Б. (2009) *Бизнес бирлашишида консолидациялашган молиявий ҳисоботларни такомиллаштириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати*. – Тошкент, – Б. 7-17.